

34 -СОН ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТНОМАСИ

Тошкент шаҳри

2022 йил “26” август

Кейинги ўринларда “Етказиб берувчи” деб аталувчи “Nam Trade-S” МЧЖ номидан Устав асосида фаолият юритувчи директор Х. Убайдуллаев бир томондан, ва кейинги ўринларда “Харидор” деб аталувчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати номидан Низом асосида фаолият юритувчи Хўжалик фаолияти бошқармаси бошлиғи Ё. Максудов иккинчи томондан, ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. “Етказиб берувчи” “Харидор”га сервис маҳсулотларини (кейинги ўринларда – товар) ушбу шартноманинг 1.2-бандида назарда тутилган миқдор, ассортимент ва нархларда етказиб бериш мажбуриятини олади, “Харидор” эса товарни қабул қилиб олиш ва унинг қийматини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Товар сони, ассортимент ва нархи:

Т/р	Товар номланиши	Ўлчов бирлиги	Сони	Бирлик учун нарх	Қиймати	ҚҚС		Умумий қиймати
						Фоиз	Сумма	
1	Фарфор сервис	тўплам	10	3 000 000,0	30 000 000,0	-	-	30 000 000,0
Жами:								30 000 000,0

2. ТОВАРНИНГ СИФАТИ

2.1. Товарнинг сифати Ўзбекистон Республикасида белгиланган давлат стандартларига мувофиқ келиши лозим.

3. ТОВАРНИ ЮКЛАБ ЖЎНАТИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ

3.1. Товар “Етказиб берувчи” томонидан етказиб бериш шартларида асосида етказиб берилади.

3.2. “Етказиб берувчи” ҳисобварағига товар учун дастлабки тўлов келиб тушган кундан бошлаб 15 (ўн беш) календарь кун давомида товарни юклаб жўнатади. Товарни муддатидан олдин етказиб беришга йўл қўйилмайди.

3.3. Товарни сони бўйича қабул қилиш “Харидор”нинг ваколатли вакили томонидан “Етказиб берувчи” омборида амалга оширилади.

3.4. Товарни сифати бўйича қабул қилиш стандартлар, техник шартлар ҳамда тақдим этиладиган товарнинг сифати ва бутланганлигини тасдиқловчи кузатув ҳужжатлари (сертификат, ҳисоб-фактура, спецификацияси)га мувофиқ, шунингдек, ушбу шартнома шартларига кўра амалга оширилади.

3.5. “Харидор” вакили томонидан нуқсон, сифат, маркировка, идиш, ўрамнинг стандартлар, техник шартлар талаблари ва шартномага номувофиқлиги аниқланган тақдирда, “Харидор” вакили “Етказиб берувчи” вакиллари иштирокида (“Етказиб берувчи” томонидан рад қилинганда манфаатдор бўлмаган учинчи шахслар иштирокида) далолатнома тузиш ва аниқланган камчиликлар “Етказиб берувчи” томондан тўлиқ бартараф этилмагунга қадар товарни қабул қилишни рад этиш ҳуқуқига эга. “Етказиб берувчи” далолатнома тузилган кундан бошлаб 5 (беш) календарь кун мобайнида далолатномада кўрсатилган миқдорда товарни тайёрлаб бериш мажбуриятини олади. Товарни тайёрлаш имкони бўлмаган тақдирда “Харидор”га тегишли жарима санкцияларини тўлаган ҳолда яроқсиз товар қийматидаги зарарни қоплайди.

3.6. “Етказиб берувчи” нуқсонлар товар “Харидор”га топширилгандан кейин юзага келганлигини исботлай олмаса товар нуқсонлари учун жавобгар ҳисобланади.

3.7. “Харидор” нуқсонларни оддий қабул қилишда аниқлашнинг имкони бўлмай (яширин камчиликлар), товарни қабул қилгандан кейин аниқлаган тақдирда, бундай нуқсонлар маълум бўлган кундан бошлаб 10 (ўн) иш куни мобайнида “Етказиб берувчи”ни бу ҳақда хабардор қилиши лозим. “Етказиб берувчи” аниқланган нуқсонларни хабар берилган кундан эътиборан 5 (беш) календарь кунда бартараф қилиш ёки “Харидор”га

тегишли жарима санкцияларини тўлаган ҳолда яроқсиз товар қийматидаги зарарни қоплаш мажбуриятини олади.

4. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ҚИЙМАТИ ВА ТАРТИБИ

4.1. Шартноманинг умумий суммаси ҚҚС сиз **30 000 000,0 (ўттиз миллион) сўмни** ташкил қилади.

4.2. Тўлов шакли – нақд пулсиз.

4.3. “**Харидор**” ушбу шартнома кучга кирган кундан бошлаб 15 (ўн беш) банк иш куни давомида товар учун 30% (ўттиз фоиз) миқдорда дастлабки тўловни амалга оширади. “**Харидор**” товар етказиб берилиб, юк хати ҳисоб-фактура расмийлаштирилган кундан эътиборан 10 (ўн) банк иш куни мобайнида “**Етказиб берувчи**”га қолган суммани тўлайди.

5. КАФОЛАТЛАР

5.1. Етказиб бериладиган товарга кафолат муддати юк хати ҳисоб-фактура имзоланган санадан бошлаб 1 (бир) йилни ташкил этади. Товарнинг сифат кафолати товарнинг барча бутловчи қисмларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Томонлар “Хўжалик субъектлари фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий асослари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ ушбу шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкӣ жавобгар ҳисобланади.

6.2. Жарима санкцияларини тўлаганлик томонларни ушбу шартномага кўра ўз зиммасига олинган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

7.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни улар, уларнинг ходимлари, аффилиланган шахслари, бенефициари ва шартномани амалга оширишдаги ҳамкорлари, пудратчилари томонидан бир-бирига, давлат хизматчиларига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш, ғайриқонуний равишда бойлик орттириш мақсадида ёки бошқа ғараз ниятда моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини кафолатлайди.

7.2. Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганда дарҳол ёзма равишда бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изоҳ талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатни олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушунтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

7.3. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф-хатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

7.4. Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор қилишни талаб қилган томонга етказилган зарарларни қоплаш ушбу шартнома ва қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади, ушбу бобнинг мажбуриятларини бузган томон эса шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши оқибатида кўрилган зарарларни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас.

8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

8.1. Ушбу шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар томонлар музокараси орқали, келишувга эришилмаган тақдирда эса, Тошкент туманлараро иқтисодий судида ҳал этилади.

8.2. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган ҳолатларда томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига таянади.

9. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

9.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун, башарти ушбу бажармаслик шартнома тузилгандан кейин томонлар

олдиндан билиши, тегишли чоралар билан олдини олиши мумкин бўлмаган фавкулдда хусусиятга эга воқеалар натижасида вужудга келган, енгиб бўлмас кучга эга ҳолатлар (форс-мажор ҳолатлари) туфайли юзага келган бўлса, жавобгарликдан озод этилади. Бундай фавкулдда хусусиятга эга ҳолатларга: сув тошқини, ёнғин, зилзила, портлаш, тўфон, тупроқ чўкиши, эпидемия, бошқа табиат ҳодисалари, шунингдек, уруш, ҳарбий ҳаракатлар, тармок ёки худудда иш ташлашлар, давлат ҳукумати ёки бошқаруви органлари томонидан қабул қилинган, мазкур шартномани бажариш имкониятидан маҳрум қилувчи қарорлар киради.

Кўрсатиб ўтилган ҳолатлар юзага келган ва тугатилганда, ўз мажбуриятларини бажариш имкони бўлмаган ушбу шартнома томони, ваколатли давлат органининг тегишли маълумотномасини тақдим этган ҳолда иккинчи томонни дарҳол хабардор этади.

Ўз вақтида хабардор қилинмаганда бир томон бошқа томонга хабар бермаслик ёки ўз вақтида хабар бермаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашга мажбур ҳисобланади.

9.2. Шартноманинг амал қилиш даврида форс-мажор ҳолатлар юзага келиши уни бажариш муддатининг ушбу ҳолатлар таъсири даврига қадар узайишига сабаб бўлади.

10. МАХФИЙЛИК

10.1. Томонлар ушбу шартноманинг барча шартлари томонларнинг махфий маълумотларига тааллуқли, деб билади.

10.2. Томонларнинг ҳар бири ушбу шартнома бўйича махфий маълумотларни иккинчи томоннинг ёзма рухсатисиз учинчи шахсларга тақдим қилиш ҳуқуқига эга эмас.

11. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

11.1. Ушбу Шартнома икки нусхада ўзбек тилида имзоланган бўлиб, бир хил юридик кучга эга.

11.2. Мазкур шартнома томонлар имзоланганидан ва Молия вазирлиги Ҳазначилигидан рўйхатдан ўтганидан сўнг кучга киради ҳамда **2022 йил 31 декабргача** амал қилади.

11.3. Ушбу Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартиришлар томонларнинг ваколатли вакиллари имзолайдиган қўшимча битим билан расмийлаштирилиши лозим.

12. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ, БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ:

“Етказиб берувчи”
“Nam Trade-S” МЧЖ

Манзил: Наманган ш. Истиқлол
кўчаси 8 уй

Банк реквизитлари:
“Алоқабанк” Бош офис
Ҳ-к ҳисобварақ рақами:
2020 8000 8054 3171 9001
МФО: 00401
СТИР: 308 799 029
ХХТУТ: 46 900
т. +99897-219-19-64

“Харидор”

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси аппарати

Манзил: Тошкент шаҳри,
Мустақиллик майдони 5-уй

Банк реквизитлари:
Ш/хр: 100010860262667011202080001
СТИР: 207258024 ИФУТ: 84111
ЎЗР Молия вазирлиги Ҳазначилиги
Амалиётлар Бошқармаси
Х/р: 23 402 000 300 100 001 010
Тошкент ш. ҲҚМ бош бошқармаси.
ЎЗРМБ МФО: 00014
ҳазна. СТИР: 201122919

Директор

Н.Х. Убайдуллаев



Бошқарма бошлиғи

Ё.Ж. Максудов



(Қасимов)

(Нурмадонников)



“Тасдиқлайман”
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси аппарати
Хўжалик фаолияти
бошқармаси бошлиғи

Ё.Ж. Максудов

Товар (иш, хизмат)лар хариди бўйича Харид комиссиясининг
МАЖЛИС БАЁННОМАСИ

2022 йил “26” август

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг совға фондини мустаҳкамлаш мақсадида фарфордан тайёрланган сервисларни харид қилишда энг яхши таклифларни танлаш учун ўтказилган мажлисда Харид комиссияси куйидаги таркибда қатнашдилар:

- | | |
|-----------------|---|
| 1. Ё. Максудов | Хўжалик фаолияти бошқармаси бошлиғи,
комиссия раиси |
| 2. А. Содиков | Моддий-техника таъминоти бўлими мудирини,
комиссия аъзоси |
| 3. Ш. Хасанбаев | Молия-иқтисодиёт бўлими мудирини, комиссия аъзоси |
| 4. А. Зупаров | Молия-иқтисодиёт бўлими мудирининг ўринбосарини,
комиссия аъзоси |
| 5. Ж. Сайдалиев | Бош мутахассис, комиссия аъзоси |
| 6. Х. Хусайнов | Бош мутахассис, комиссия котиби |

КУН ТАРТИБИ:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг совға фондини мустаҳкамлаш мақсадида фарфордан тайёрланган сервислар хариди юзасидан “Nam Trade-S” МЧЖ, “Ultra soft trans servis” МЧЖ ва “Office kans” ХК ташкилотлар томонидан юборилган электрон тижорат таклифларини ўрганиб чиқиш тўғрисида

Кун тартибидаги масала юзасидан комиссия аъзоси А.Содиков ахборот берди.

Йиғилиш қатнашчиларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг совға фондини мустаҳкамлаш мақсадида фарфордан тайёрланган сервисларни харид қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бюджет маблағлари ҳисобидан harid.uzex.uz электрон платформаси “Энг яхши таклифларни танлаш” бўлимида 138382–сонли лот билан жойлаштирилган эълон бўйича ўз таклифларини тақдим этган корхоналарнинг электрон таклифлари асосида 2022 йил 23 августда харид комиссияси аъзолари ўртасида электрон баённома тузилди.

Мазкур баённома муҳокамалар учун etender.uzex.uz сайти иштирокчилари эътиборида 2 кун (2022 йил 23-24 август кунлари) давомида турди ва ҳеч қандай эътирозлар бўлмади.

Харид комиссияси аъзоларида мазкур 138382–сонли лот иштирокчилари билан аффилиланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд эмаслиги маълум бўлди.

Ушбу баённомага кўра “Баллик баҳолаш тизими” бўйича берилган эълонда талаб қилинган шартлар юзасидан энг юқори балл тўплаган “Nam Trade-S” МЧЖ ғолиб деб топилди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда комиссия қарор қилди:

1. “Nam Trade-S” МЧЖ, “Ultra soft trans servis” МЧЖ ва “Office kans” ХК ташкилотларидан тушган электрон тижорат таклифлари эътиборга олинсин.

2. Танлаш ғолиби этиб “Nam Trade-S” МЧЖ эълон қилинсин ва ушбу ташкилот билан жами 30 000 000,0 сўмга шартнома тузилиши мақуullanсин ҳамда Молия вазирлиги Ғазначилигидан рўйхатдан ўтказилсин.

Комиссия аъзолари:

А. Содиқов



Моддий-техника таъминоти
бўлими мудир

Ш. Хасанбаев



Молия-иқтисодиёт
бўлими мудир

А. Зупаров



Молия-иқтисодиёт бўлими
мудирнинг ўринбосари

Ж. Сайдалиев



Бош мутахассис

Х. Хусайнов



Бош мутахассис

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 138382 на приобретение Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг совға фондини мустаҳкамлаш мақсадида фарфордан тайёрланган сервизлар харид қилиш

Способ проведения электронный

Дата 23.08.2022

Время рассмотрения 23.08.2022 16:44

Конкурсная комиссия Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	MAKSUDOV YORKIN JURAYEVICH	Комиссия раиси	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати
Секретарь комиссии	XUSAINOV XASAN BARATOVICH	Комиссия котиби	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати
Член комиссии	XASANBAYEV SHOXRUXIDDIN FAXRUDDINOVICH	Комиссия аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати
Член комиссии	ZUPAROV ABZALJON BATIRJONOVICH	Комиссия аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати
Член комиссии	SADIKOV ABDULLO VASILOVICH	Комиссия аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати
Член комиссии	SAYDALIYEV JAMSHIDDIN ABDUGAPPAROVICH	Комиссия аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 23.08.2022 года № лота 138382.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 75.00 / Весовой коэф. ценовой части: 25.00)

Мин. балл: 40

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Сервиз
Подробное описание	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг совға фондини мустаҳкамлаш мақсадида фарфордан тайёрланган сервизлар харид қилиш
Количество товара	10.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	3 200 000.00
Стартовая сумма	32 000 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Техник талаблар. Иштирокчиларнинг ташкилий шакли

Тип: Текстовое значение

Описание: Иловадаги техник талаблар учун

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MCHJ NAM TRADE-S	2	Информация	2	Экспертная		
ULTRA SOFT TRANS SERVIS MЧЖ	2	Иштирокчиларнинг ташкилий шакли	2	Экспертная		
ЧП OFFICE KANS	2	Иштирокчиларнинг ташкилий шакли	2	Экспертная		

Критерий №2 Техник талаблар. Таклиф қилинаётган товар (иш, хизмат) тайёрлаш учун моддий ресурсларнинг мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Иловадаги техник талаблар учун

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MCHJ NAM TRADE-S	6	Махсулот етказишга ресурслар мавжудлиги хақида	6	Экспертная		
ULTRA SOFT TRANS SERVIS MЧЖ	6	Ресурс ва таклиф	4	Экспертная		
ЧП OFFICE KANS	6	Таклиф қилинаётган товар (иш, хизмат) тайёрлаш учун моддий ресурсларнинг мавжудлиги	6	Экспертная		

Критерий №3 Техник талаблар. Иштирокчиларнинг молиявий аҳволи

Тип: Текстовое значение

Описание: Иловадаги техник талаблар учун

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MCHJ NAM TRADE-S	2	Молиявий холат	2	Экспертная		
ULTRA SOFT TRANS SERVIS MЧЖ	2	Молиявий натижа	2	Экспертная		
ЧП OFFICE KANS	2	молиявий аҳволи	2	Экспертная		

Критерий №4 Техник талаблар. Сунги уч йил давомида ишлаб чиқарилган махсулотлар (кўрсатилган хизматлар) умумий суммаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Иловадаги техник талаблар учун

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MCHJ NAM TRADE-S	65	Опыт работы	55	Экспертная		
ULTRA SOFT TRANS SERVIS MЧЖ	65	Бажарилган шартномалар руйхати	45	Экспертная		
ЧП OFFICE KANS	65	Сунги уч йил давомида ишлаб чиқарилган махсулотлар	20	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ULTRA SOFT TRANS SERVIS MЧЖ	32 000 000.00	31 500 000.00 UZS	31 500 000.00	00.00	31 500 000.00	23.08.2022 02:09:51	23.81
MCHJ NAM TRADE-S	32 000 000.00	30 000 000.00 UZS	30 000 000.00	00.00	30 000 000.00	22.08.2022 22:33:03	25.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ULTRA SOFT TRANS SERVIS MЧЖ	53.00025	23.81	76.81025
MCHJ NAM TRADE-S	65.00025	25	90.00025
ЧП OFFICE KANS	Не прошел	Не прошел	Не прошел

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 138382 от 23.08.2022 года на приобретение Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг совға фондини мустаҳкамлаш мақсадида фарфордан тайёрланган сервизлар харид қилиш определила победителем:

MCHJ NAM TRADE-S
308799029

и резервный исполнитель: ULTRA SOFT TRANS SERVIS MЧЖ (301663772)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
----------	--------	-------------	-------------

Председатель комиссии	MAKSUDOV YORKIN JURAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	XASANBAYEV SHOXRUXIDDIN FAXRUDDINOVICH	Согласен	
Член комиссии	ZUPAROV ABZALJON BATIRJONOVICH	Согласен	
Член комиссии	SADIKOV ABDULLO VASILOVICH	Согласен	
Член комиссии	SAYDALIYEV JAMSHIDDIN ABDUGAPPAROVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП